

ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ							
1	Тўлик:	«QO'QON BIOKIMYO» Aksiyadorlik Jamiyati					
	Қисқартирилган:	«QO'QON BIOKIMYO» AJ					
	Биржа тикерининг номи:	QQBK					
АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ							
2	Жойлашган ёри:	Фарғона вилояти, Кўкон шаҳри, Муқимий, «Кўкон» эркин иқтисодий зонаси. 150700					
	Почта манзили:	Фарғона вилояти, Кўкон шаҳри, Муқимий, «Кўкон» эркин иқтисодий зонаси. 150700					
	Электрон почта манзили:	kokandbiokimyo@mail.ru					
	Расмий веб-сайти:	www.kokandbiokimyo.uz					
МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ							
Муҳим фактнинг рақами:		06					
Муҳим фактнинг номи:		Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар					
Умумий йиғилиш тури:		Навбатдан ташқари					
Умумий йиғилиш ўтказиш санаси:		28.11.2020					
Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана:		28.11.2020					
Умумий йиғилиш ўтказилган жой:		«QO'QON BIOKIMYO» AJ мажлислар зали					
Умумий йиғилиш қворуми:		99,68					
№	Овоз беришга қўйилган масалалар	Овоз бериш якунлари					
		ёқлаш		қарши		бетарафлар	
		%	сон	%	сон	%	сон
1	«QO'QON BIOKIMYO» AJ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.	100	71 283 540 510	0	йўқ	0	йўқ
2	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 августдаги «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4805 сонли қарори ижроси тўғрисида.	100	71 283 540 510	0	йўқ	0	йўқ
3	3 «QO'QON BIOKIMYO» AJнинг жойлаштирилган акцияларини йириклаштириш. Акцияларни йириклаштиришни амалга ошириш тартиби ва шартларини тасдиқлаш	100	71 283 540 510	0	йўқ	0	йўқ
	4 «QO'QON BIOKIMYO» AJнинг янги акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш	100	71 283 540 510	0	йўқ	0	йўқ
	5 «QO'QON BIOKIMYO» AJнинг эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш тўғрисида	100	71 283 540 510	0	йўқ	0	йўқ
	6 «QO'QON BIOKIMYO» AJ уставини янги таҳрирда тасдиқлаш.	100	71 283 540 510	0	йўқ	0	йўқ
	Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни:						
1	«QO'QON BIOKIMYO» AJ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиш Регламенти тасдиқлансин.						
2	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 августдаги «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4805 сонли қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.						
2.1	«QO'QON BIOKIMYO» AJ ижро органига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805 сонли қарорнинг ижросини таъминлаш ва амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда жамиятнинг бизнес режасида ушбу хомийликни инобатга олган ҳолда 2020-2024 йиллар давомида тасдиқланган график асосида жами 3100000000 (уч миллиард бир юз миллион) сўм миқдорида хомийлик кўрсатишга рухсат берилсин.						
3	«QO'QON BIOKIMYO» aksiyadorlik jamiyati нинг аввал чиқарилган номинал қиймати 1 сўм бўлган 1026 дона оддий акциялари устав капитали миқдорини ўзгартирмаган ҳолда номинал қиймати 1026 сўм бўлган 1 дона акцияга йириклаштириш амалга оширилсин						
3.1	Акцияларни йириклаштиришни амалга ошириш тартиби ва шартлари қуйидагича белгилансин: • Ҳар бирининг номинал қиймати 1026 сўм бўлган 69 696 872 дона оддий хужжатсиз кўринишдаги 71 508 990 672 сўмлик акциялар янги чиқарилиши амалга оширилади;						

	<ul style="list-style-type: none"> • Ушбу чиқарилишдаги акциялар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг 24.11.2020 йил ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрида қайд қилинган акциядорлар ўртасида ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади; • Ушбу чиқарилишдаги акциялар, акцияларнинг чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 15 (ўн беш) календарь кунидан кечиктирмасдан жойлаштирилади. Бунда, жойлаштиришни бошлаш санаси акцияларнинг ушбу чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган сана, жойлаштиришни тугатиш санаси ушбу чиқарилишдаги энг охириги акция жойлашган сана, лекин акцияларнинг ушбу чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан 15 (ўн беш) календарь кунидан кечикмасдан амалга оширилади; • Жамиятнинг паст номинал қийматига эга аввал чиқарилган номинал қиймати 1 сўм бўлган 1026 дона оддий акциялари устав капитали миқдорини ўзгартирмаган ҳолда жамиятнинг янги чиқарилишдаги номинал қиймати 1026 сўм бўлган 1 дона акциясига айирбошланади. Айирбошлаш коэффициентини – 1026:1; • Акцияларни йириклаштиришда касрий акцияларнинг пайдо бўлишига йўл қўйилмайди; • Акцияларни жойлаштириш қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари бозорида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузмасдан амалга оширилади; • Қимматли қоғозларни жойлаштиришда андеррайтерлар жалб қилинмайди; • Акцияларни йириклаштириш амалга ошириладиганлиги сабабли ушбу чиқарилишдаги акцияларга нисбатан имтиёзли ҳуқуқ қўлланилиши кўзда тутилмайди; • Акцияларни жойлаштириш янги номинал қийматда 1026 сўмдан амалга оширилади; • Жамият устав капитали миқдорини ўзгартирмаган ҳолда акцияларнинг янги чиқарилишини амалга ошириш йўли билан акцияларни йириклаштириш амалга ошириладиганлиги сабабли ушбу чиқарилишдаги акцияларга ҳақ тўлаш назарда тутилмайди; • Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда тўлов воситаларини қайтариш назарда тутилмайди; • Ушбу акциялар чиқарилиши билан боғлиқ ахборот қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда корпоратив ахборотлар ягона портали www.openinfo.uz да, жамиятнинг корпоратив веб-сайти www.kokandbiokimyo.uz да, фонд биржасининг расмий веб-сайти www.uzse.uz да ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади
3.2	<p>Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан «QO'QON BIOKIMYO» AJ акцияларининг йириклаштирилиши тўғрисидаги қарор қабул қилинишга қарши овоз берган ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган акциядорлар бўлса:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқи мавжудлиги; - ўзларига тегишли акциялар жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилиши; - ўзларига тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олиниши тўғрисидаги ёзма талаблари акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятга тақдим этилиши ҳамда мазкур муддат тугаганидан сўнг жамият томонидан қайтариб сотиб олиш талабини қўйган акциядорлардан акцияларни ўн кун ичида 3 сўм 01 тийин бозор нарҳида қайтариб сотиб олиниши белгилансин
4	«QO'QON BIOKIMYO» AJ нинг номинал қиймати 1026 сўм бўлган 69 696 872 дона эгаси ёзилган оддий ҳужжатсиз кўринишдаги 71 508 990 672 сўм бўлган акциялар янги чиқарилиши тўғрисидаги қарори иловага мувофиқ тасдиқлансин
5	«QO'QON BIOKIMYO» AJ томонидан эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдори номинал қиймати 1026 (бир минг йигирма олти) сўм бўлган 100 000 000 (бир юз миллион) дона акциядан иборат қилиб белгилансин
6	«QO'QON BIOKIMYO» AJ нинг устави киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан янги тахрирда тасдиқлансин
Уставга киритилаётган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчаларнинг матни - Устав янги тахрирда тасдиқланди.	

Ижроия органи раҳбарининг Ф.И.Ш.:

Абдуллаев Икром Исроилович

Бош бухгалтернинг Ф.И.Ш.

Мадалиева Мукамал Уруновна

Веб-сайтда ахборот жойлаштирган

Муратов Азиз Акбарович

Ваколатли шахснинг Ф.И.Ш.

